

Oila

ИШ ОДАМНИ ИЗЛАБ КЕЛМАЙДИ...

3-бетда

ҲЕЧ КИМ АДАШМАСИН, БОШИ ЭГИЛМАСИН

5-бетда

ИККИ ДУНЁ “ТАШВИШИ”ДА ЮРГАНЛАР

6-бетда

va Jammiyat

№ 36 (1342)

6 SENTABR

2017 YIL

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
Web-site: oila-va-jamiyat.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА 1 АҚШ ДОЛЛАРИНИНГ
РАСМИЙ КУРСИ 8100 СЎМГА ТЕНГ**

2-бетда

УШБУ СОНДА:



СИФАТЛИ ТАЪЛИМ - БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

2017-2021 йилларда 48 олий таълим муассасасида жами 180 ўқув, илмий-лаборатория биноси, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмалари объектларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади.


4-бетда



АЧЧИК ҲАҚИҚАТ

Биласанми, кичкиналингингда фалокат юз бериб, бир кўзингни йўқотдинг. Она бўла туриб сени бир кўз билан улғайишингга жимгина қараб туролмасдим. Бунга тоқатим етмасди. Шунинг учун сенга ўз кўзимни бердим. Бу кўз билан менинг ўрнимда кўради, деб сен билан шу қадар гурурланиб юрдимки, асти қўявер, болам. Сени яхши кўриб, дуоларида бахтингни, умрингни сўраб қолувчи онанг...

7-бетда



БОЛА КЎЗИДАГИ МАЪЮСЛИК БАДАЛИНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

8 ёшидан бери Меҳрибонлик уйларининг бирида тарбияланаётган Нодиранинг отаси чет элга кетганича қайтиб келмади. Онаси бошқа кишига турмушга чиқди.

8-бетда

А.Матинов тоғрама



2017 йил 5 сентябрь: Ўзбекистонда 1 АҚШ долларининг расмий курси 8100 сўмга тенг

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг миллий валютани чет эл валютасига нисбатан курсини ўрнатиш тўғрисидаги ахбороти, мазкур банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2017 йил 2 сентябрда имзоланган фармони асосан валюта бозорини янада либераллаштириш соҳасидаги давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини ўрнатишда фақатгина бозор механизмларини қўллашдан иборатдир.

2003-2017 йилларда курсни шакллантирувчи омиллар динамикасининг таҳлили асосида, шунингдек, банклар томонидан импортёр корхоналарга шартномавий курс бўйича чет эл валютасини сотишнинг синов савдолари натижаларини инобатга олган ҳолда, бугунги кунда валюта курсининг мувозанат даражаси ҳисоб-китобларга кўра, 1 АҚШ доллари учун 8000-8150 сўмни ташкил этмоқда.

Шу муносабат билан, Марказий банкнинг валюта курси 2017 йилнинг 5 сентябрдан бошлаб 1 АҚШ доллари учун 8100 сўм даражасида ўрнатилмоқда.

Марказий банкнинг курси, аввалгидек, ҳар душанба куни ўтган ҳафта давомида валюта биржасида ўтказилган савдоларда қайд этилган курсларнинг ўртача қиймати даражасида белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бухгалтерия ҳисоби, статистика ҳисоботи ҳамда бошқа ҳисобот мақсадлари учун, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида божхона ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун ишлатилади.

Чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича банклараро савдо сессиялари Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида ҳар куни ўтказилиб, бунда валюта курси чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифнинг жорий нисбати асосида аниқланади ҳамда валюта биржасининг сайтида эълон қилиб борилади.

ЎЗА

МУРОЖААТЛАРНИНГ 84 ТАСИ АЛИМЕНТ МАСАЛАСИДА

– Халқ қабулхонасига бўлаётган ҳар бир мурожаатга жиддий эътибор билан ёндашилади, – дейди Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Халқ қабулхонаси мудири Абдумажид Норбўтаев. – Туман Халқ қабулхонасига 2017 йилнинг 18 август санасига қадар 740 мурожаат тушган бўлса, 619 таси ёзма ва 121 таси оғзаки равишда қабул қилинган. Ёзма мурожаатлар тегишлилиги бўйича мутасадди ташкилотларга юборилди, 121 мурожаат тўлиқ қаноатлантирилди, 384 тасига тушунтириш берилди ва 114 таси ўрганилмоқда.

Шикоят ва аризаларнинг 90 таси коммунал тўловлар, 84 таси алимент, 71 таси уй-жой масаласида, 66 таси моддий ёрдам, 52 таси иш билан таъминлаш, 46 таси пенсия ва нафақалар, 33 та ички ишлар органлари фаолиятига оид, 26 таси кредит маблағлари олишда дуч келинган муаммолар ва англашилмовчиликлар ва 243 таси бошқа масалаларга тааллуқли.

Қирқдархон қишлоғида яшовчи Д.Маърупова Лойиш почта алоқа тармоғи фаолиятидан норози бўлиб, Халқ қабулхонасига мурожаат қилади. Мурожаат қисқа фурсат ичида ўрганилиб, 1 миллион 260 минг сўм миқдоридagi алимент пули эгаси қўлига етиб боради. Қийқим қишлоғида яшовчи Ф.Абдурахмонова ҳам Халқ қабулхонасига мурожаат қилганидан сўнг мазкур алоқа тармоғидан 783 минг 189 сўм алимент пулини олади.

Қирқдархонлик Темура Жумаевнинг Халқ қабулхонасига қилган мурожаати туман тиббиёт бирлашмаси бош педиатри ва кўп тармоқли марказий

поликлиникаси кўз касалликлари шифокори томонидан ўрганиб чиқилиб, фуқаро бепул имтиёзли даволаниш учун вилоят кўз касалликлари шифонасига юборилди.

Пичоқчи қишлоғида яшовчи Кибора Рауфова 2015 йилда Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг олий ҳамширалик иши йўналишини таъомлаб келганидан сўнг иш қидириб роса овора бўлган. «Туман тиббиёт бирлашмасига иш сўраб бир неча мартаба мурожаат қилдим, – деб ёзади у ўз аризасида. – Аммо мусасаса бош шифокори бўш ўрин йўқлиги, бўлса ўзлари чақиршини айтди. Шу пайтгача мурожаатларимга шундай жавоб қайтарилди». Туман Халқ қабулхонасига мурожаат қилганидан сўнг К.Рауфованинг мурожаатига жиддийроқ қаралди шеклилли, у Оқдарё туман бирлашмасининг Тез тиббий ёрдам бўлимига навбатчи ҳамшира вазифасига ишга қабул қилинди.

Халқ қабулхонасига ҳафтанинг маълум кунлари мутасаддилар – сешанбада туман прокурори, чоршанба куни халқ банки раҳбари, сектор вакили, пайшанба куни жинойат ишлари бўйича туман суди раиси, жума куни туман ҳокими аҳоли мурожаатларини қабул қилади. Коммунал тўловлар бўйича шикоят, аризалар анчагина бўлишига қарамадан, туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари навбатчилик кунларида Халқ қабулхонасига бўлмаслиги аҳоли дардига эътиборсизлик эмасми?

Ташвиши ариган биргина инсоннинг хурсандчилиги бутун халқнинг қувончига айланиши рост. Фақат Халқ қабулхонаси эмас, балки бошқа ташкилот, идораларга илинж билан келган ҳар бир фуқаро эшикдан мамнун чиқиб кетса, халқнинг дардини дилдан эшитганимиз шу бўлади.

Зилола ОМОНОВА,
Самарқанд вилояти

МИРАЗИЗ “НЕСЕБР ЮЛДУЗЛАРИ” САФИДА

Чирчиқ шаҳридаги Чайковский номли 15-музыка мактабининг вокал хонандалик бўлимида таҳсил олаётган Миразиз Миржалилов 20-24 август кунлари Болгариянинг Несебр шаҳрида бўлиб ўтган “Несебр юлдузлари” халқаро АРТ фестивалида 3-ўринни қўлга киритди.

– Осиё ва Европанинг йигирмадан зиёд мамлакатидан 1000 яқин ёшлар иштирок этган мазкур фестивалда ўзбекистонлик 5 нафар ёш истеъдод эгаси ҳам ўз санъатини намойиш этди, – дейди Миразизнинг устози Ахрорбек Улуғбеков. – Миразиз Миржалилов вокал бўлими халқ кўшиқлари йўналишида ўзини синаб кўрди. Бундай нуфузли халқаро фестивалда, мингга яқин иштирокчилар орасида совриндор бўлиш жуда катта натижа.

– Санъат ва спорт соҳасида



халқаро майдонларда катта-катта ютуқлари қўлга киритиб келаётган ҳамюртларимизга жуда ҳавасим келарди. “Қанийди, мен ҳам халқаро кўриктанловларда қатнашсам, Ватаним номини улуғласам”, деган эзгу ниятни кўнглимга тугиб кўйгандим. Яхши ният барибир яхши экан. Бу йил мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллиги шодиёналари арафасида Болгарияга учиб кетдик. Омадим келиб, совриндорлар са-

фидан жой олдим. Улуғ айём кунларида мамлакатимизга ёруғ юз билан қайтдим. Бу ютуғимда устозимнинг меҳнати, ҳиссаси жуда катта. Фестивалда қатнашарканман ҳали жуда кўп ўқиб, изланишимиз кераклигини ҳис этдим. Янги-янги дўстлар орттирдим. Келажакда яна-да яхшироқ ютуқларга эришиш учун ҳаракат қиламан.

Таҳририятдан: Газетамизнинг 31-сонида Миразиз Миржалиловнинг санъатга меҳр қўйишида ота-онасининг, оиласидаги муҳитнинг ўрни ҳақида мақола берган эдик. Унинг мусиқага иштиёқни сезган отаси Миразил Адилов ҳамда онаси Мавлуда Адилованинг фарзанди камолоти учун яратган шароитлари мана ўз мевасини бермоқда. Миразиз Миржалилов келгусида ҳам халқаро кўриктанловларда муносиб иштирок этиб, юртимиз санъатини дунёга таратишда ўз улушини қўшаверади, деган умиддамиз.

Зафар АМАНТУРСУНОВ,
“Оила ва жамият” муҳбири

ИШ ОДАМНИ ИЗЛАБ КЕЛМАЙДИ...

Аҳолининг турмуш шароитини, оилалардаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муҳитни ўрганиш мақсадида Сирдарё вилояти касабда уюшмалари ташкилотлари фаоллари Оқолтин туманидаги “Кўркем диёр” маҳалласида бўлди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулнора Мустапоева ишчи гуруҳ аъзоларини кам таъминланганлар рўйхатида турувчи хонадонларга бошлади. Бундай оилалар асосан, кўп қаватли уйда яшашар экан. Маҳалладаги икки қаватли уйлар гарчи 50 йил илгари қурилган бўлса-да, ҳолати яхши. Аммо бино ташқари бири аҳволда.

– Одамлар “ширкат қилиб берсин”, деб ўтиришга ўрганиб қолишган, – дейди Гулнора Мустапоева. – Ўз остонасини ўзи тозаламаган, лоқайдликка ўрганган кишиларни “қимирлатиш”, замон билан ҳамқадам юришга даъват этиш қийин бўляпти. Албатта, олиб бораётган ишларимиз самараси ўлароқ кам таъминланган оилалар рўйхати қисқарган, аммо қолганларини ҳам боқимандалик кайфиятидан чиқаришимиз керак.

– Дарҳақиқат, меҳнат қилган киши кам бўлмаяпти. Бу йил қовун-тарвуз экканларнинг ошиғи олчи, – дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касабда уюшмаси вилоятдаги масъул ташкилотчиси Ҳайитбой Фармонов. – Қовун 4-5 минг сўм, тарвуз 3-4 минг сўм бўлди. Кўпчилик далага мош, ловия, сабзи,

шолғом, турп эккан.

Шунга қарамай, “Олма пиш, оғзимга туш”, деб ўтирганлар ҳам йўқ эмас. Ёз. “Пул топаман” деганнинг барчаси далада ёки бўлмаса, дўкон, чойхона очган. Гўзаллик салони, тикувчилик цехида иш қайнайди. Аммо, биз борган кам таъминланган оилаларда деярли барча уйда ишсиз ўтирибди. Халқимизнинг: “Иш одамни излаб келмайди, одам ишни излаб топиши керак”, деган доно ўғитини бу оилалардагилар гўё эшитмагандек...

Яна бир ажабланишлик ҳолат: оилада етишмовчилик муаммоси мавжуд. Вақтинча ишсиз юрган 20 ёшли йигит ишсиз 19 ёшли қизга уйлантирилгач, яна нимани кутиш мумкин? Улар ўзларининг муаммосини ҳал қила олмаса, эртага фарзандли бўлгач, уни қандай боқишади?

Н. исмли уй бекаси қизи билан мавсумий ишларда ишлаб, пул топишини айтади. 50 ёшли бу аёлнинг икки ўғли ва икки қизи буй етиб, ёнига кириб қолишган.

– Қора қозон қайнаб турибди, аммо, шу газдан 800 минг сўм қарз бўлиб қолганимиз чатоқ-да, – дейди у хўрсиниб.

Аммо, маҳалла оқсоқолининг “Ўғлингизни фермер хўжалигига ишга жойлаб қўяйлик”, деган таклифига рад жавобини билдирди. Маълум бўлишича, бир ўғли Тошкент вилоятидаги фермер хўжалигига трактор ҳайдаётган, иккинчиси устачилик билан шуғулланаётган экан.

– Пахта теримигача тузалиб қолсам, ўзим далага чиқаман, – дейди у.

Маҳаллани айланиб, озиқ-овқат дўконларининг кўпайганига эътибор қилдик. Бир дўкон эшигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рўйхати ва уларнинг нархи ёзилган қоғоз эътиборимизни тортди.

– Ҳар бир маҳсулотнинг нархи ошгани ёки пасайгани ҳақидаги маълумотларни шу дўконни юритадиган ўғлим Темур ҳар куни эринмай ёзиб, илиб қўяди, – дейди ёш тадбиркорнинг онаси Муҳаббат Жонхўрозова. – Маҳалладошларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларга сифатли савдо хизмати кўрсатиш учун гайрат қилапти.

Яна бир оилага кириб бордик. Эр – уста, хотин – уй бекаси. Тўрт нафар фарзанди бор. Уй бекаси маҳалладан моддий ёрдам ва нафақа сўраб, муружаат қилган.

– Ҳозирда бу масала ижобий ҳал

Вақтинча ишсиз юрган 20 ёшли йигит ишсиз 19 ёшли қизга уйлантирилгач, яна нимани кутиш мумкин? Улар ўзларининг муаммосини ҳал қила олмаса, эртага фарзандли бўлгач, уни қандай боқишади?

бўлди. Аммо, бутун бир оиланинг болалар нафақасига қараб яшаши тўғри эмас, – дейди маҳалланинг жонқуяр раиси. – Ҳозир ишлайман деганга иш бор, ҳамма ёқда қурилиш, бунёдкорлик. Ўртақол оилалар ҳам ҳар йили уйларини бир таъмирдан чиқаришади.

Юртбошимиз айтганларидек: “Пул топаман, яхши ашайман”, деб интилган киши вақтдан унумли фойдаланади.

“Кўркем диёр” маҳалласида кўпчилик мавсумий ишлар билан шуғулланар экан. Иккинчи экин экиш ҳаракатида юрганлар анчагина. Бир нарсалик бўламан, деганлар қарз кўтариб бўлса ҳам, томорқасида деҳқончилик қилиб, қовун-тарвузларни сотаяпти. Бошқалари мош, ловия эккан, дала ям-яшил, икки қарич бўлиб қолган ўсимликлар чўл шамолида тебраниб турибди.

– Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар сони йилдан йилга қисқариб борапти, айниқса, давлатимиз раҳбарининг Сирдарё вилоятига қилган ташрифидан сўнг иккинчи экин экиш учун рухсат берилгани аҳолимизга катта имкониятлар эшигини очди. Ахир чўл офтобининг нурларини “эмиб” катта бўлган қовун-тарвуз, сабзавотлардан ширини борми? Чўлқуварлар учун бу мўмай даромад дегандир. Шу боис, биз ҳар куни уйма-уй юриб, иккинчи экин экишни тарғиб қиляпмиз. Ишсизларга фермер хўжаликларидан иш таклиф этиляпти. Иш ҳақидан ташқари фермер ишчиларига бугдой, ёғ тарқатади, чопиқа қатнашганига қараб, иккинчи экин учун ер ажратилади.

Шу куни Оқолтин тумани аҳолисининг 70 дан ортиқ хонадонида бўлиб, улардан ҳол-аҳвол сўралди, муаммолар ўрганилди. Шу билан биргаллик мавжуд имкониятлар тарғиб қилинди.

Зебо ҲАЙДАРОВА,
Сирдарё вилояти

ОБОДЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Маҳалламиз ўз номига муносиб тарзда гуллаб-яшнаётган масканлардан бири. 3912 нафар аҳолининг ярмидан кўпи хотин-қизлар. 983 та оиланинг даромади асосан хунармандчилик орқасидан топилган маблағ ҳисобланади. Аниқроқ қилиб айтганда, аёлларнинг 90 фоизи тўқувчилик билан шуғулланади. Момиқ рўмол тўқиш, айниқса, ривожланган. Эраклар эса устачилик, дурадгорлик билан машғул.



2004 йилдан буён маслаҳатчи сифатида ишлаб келаяпман. Меҳнат ва ҳалоллик инсонни бахтга етаклайди, топганига барака то этади, деган ҳикматнинг ҳаётий тасдиғини мадани-

ятликлар мисолида кўргандай бўламан. Маҳалламиз саноат ва ишлаб чиқариш корхоналаридан олисда жойлашган бўлишига қарамай, оила соҳиблари ўз хунарини фарзандларига ўргатган

ҳолда рўзгор тебратмоқдалар.

Аёлларимиз тўқиган рўмолларга ҳатто Россия ва Польша давлатларидан буюртмалар келиб тушаяпти. Демак, бу хунарни ривожлантириш мумкин. Келгусида тадбиркорларимиз тўқувчиларнинг бошини бир жойга бирлаштириб, касаначилик ё бошқа йўналишда момиқ рўмол тўқишни йўлга қўйишса, нур устига аъло нур бўлар эди. Нима бўлганда ҳам, мохир ил йигирувчи онахон Турғуной Гойипова, тўқувчилар Дилоромхон Тошбоева, Мохинур Раҳмонова, Мафтуна Раҳмонова, Манзураҳон Жуневаларнинг хунари авлоддан-авлодга ўтиши лозим.

Мустақиллигимизнинг 26 йиллик тантанасини маҳалладошларимиз катта хурсандчилик билан қарши олмақдалар. Ободлик ҳар бир оиладан бошлансин, деган мақсадда ҳовлилар, кўчаларда ободончилик ишлари амалга оширилди. Маҳалла фуқаролар

йиғини биноси ҳамда участка профилактика инспектори учун хизмат уйининг қуриб, мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши барчамиз учун ниҳоятда қувончли воқеа бўлди. Фуқаролар йиғини раиси Ўлмасбек Азимов, участка профилактика инспектори Содиқжон Соҳибов ҳамда маҳалла фаоллари доим одамлар орасида. Оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш – барчамизнинг энг олий мақсадимиз. Барча юртдошларимиз қатори маданиятликлар ҳам истиқлолимизнинг ҳар бир тўйини янги ютуқлар, ижобий кўрсаткичлар билан кутиб олишга аҳд қилган.

Тилагим, ободлик ҳар бир кўнгилни-ю Ватанимизнинг ҳар бир манзилни тарқэтмасин. Озодликдек бебаҳо неъматни асраб-авайлайлик!

Муҳаббатхон ҚУРОЛОВА,
Поп тумани “Маданият”
маҳалласи маслаҳатчиси

ПРЕЗИДЕНТ

“Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одобахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқароши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айти пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улғу зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Мамлакатимиз Бош Қомусида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга экани, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши таъкидланади. Бу мамлакатимизнинг инсонпарвар сийёсати, халқимизнинг болажонлиги, уларга ғамхўрлик кўрсатишига оид азалий қадриятларимизнинг қонуний ифодасидир. Бу тамойиллар ҳаётимизда ўз ифодасини топаётгани болалар учун яратилган қулай шарт-шароитларда яққол намоён бўлмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида соҳани янада такомиллаштириш назарда тутилгани диққатга сазовор. Унда кўзда тутилган чора-тадбирларни сўзсиз рўёбга чиқариш, таълим сифатини тубдан яхшилаш, имконияти чекланган ҳамда мактаб ёшига етмаган болаларга таълим беришни кенгайтириш бугунги кун талабларидандир.

Айни пайтда мактабларда таълим сифатини яхшилаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Дарсликларни янада такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг малака ва маҳоратини ошириш юзасидан аниқ ҳаракатлар бошланган. Ҳар бир синфда ўқувчилар сони қатъий равишда 35 нафар этиб белгилангани нафақат ўқитувчи, балки ўқувчиларга ҳам қулайлик яратади. Имконияти чекланган болалар учун 85 та махсус мактаб фаолият юритмоқда. Мактабга чиқиш имкони бўлмаган 10 мингдан ортиқ ногирон бола учун жалб этилган ўқитувчилар уларга ўз йида билим беришмоқда. Мактабга таълим тизимини кенгайтириш мақсадида мавжуд боғчаларнинг кўпчилиги таъмирланди ва бу жараён давом этмоқда. Қўшимча 50 мактабга таълим муассасаси қурилиши натижасида бу борада болаларни қамраб олиш 1,5 бараварга ортади.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим олишга бўлган ҳуқуқлари таъминланиши билан бирга уларнинг фаровон ҳаёт кечириши, иқтидор ва салоҳиятларини юзага чиқариши учун барча шароит яратилган. 300 дан зиёд мусиқа мактаби, минглаб спорт мажмуалари мавжудлиги шунга кенг йўл очаётди. Фарзандларимиз учун яратилган имкониятлар уларнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб улғайишига хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида иқтисодийнинг, ижтимоий ҳаётнинг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда, юртимизда олий таълим тизимини модернизация қилиш, ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш, мутахассислар тайёрлаш бўйича



СИФАТЛИ ТАЪЛИМ – БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

ихтисослик йўналишларини такомиллаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-маъмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун шарт-шароит яратди. Қарорда олий таълим тизимини келгусида комплекс ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари белгилаб

2017-2021 йилларда 48 олий таълим муассасасида жами 180 ўқув, илмий-лаборатория биноси, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмалари объектларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади.

берилган. Жумладан, ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эл ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш белгиланган.

Педагог кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини сифат жиҳатдан мунтазам ошириб бориш, педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD дастури ва хорижий магистратура дастурлари асосида ўқитиш ҳам назарда тутилмоқда. Қарорда белгиланган вазифаларнинг самарали ечимини тўлиқ таъминлаш мақсадида олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан

такомиллаштириш, олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш мақсадида Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Дастурга мувофиқ, 2017-2021 йилларда 48 олий таълим муассасасида жами 180 ўқув, илмий-лаборатория биноси, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмалари объектларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади. Шунингдек, 53 олий таълим муассасасида 400 ўқув лабораторияси босқичма-босқич энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланади, 7 олий таълим муассасасида барча олий таълим муассасалари ўзаро ҳамкорликда фойдаланадиган илмий лабораториялар ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раислигида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда, 11 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган видеоселекторда ҳам айти масалалар муҳокама қилинди. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, олий таълим муассасалари ректорлари, кенг жамоатчилик вакилларидан тузилган ишчи гуруҳ аъзолари томонидан жойларда ота-оналар ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчиликнинг 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб 9-синф битирувчилари умумтаълим мактабларининг 10-синфларида, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттиришига оид фикрлари ўрганилиб, бу жараёнда умумтаълим мактабларининг 466 минг нафар 9-синф битирувчисидан 352 минг нафари 10-синфда, 114 минг нафари академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттириш ниятида экани аниқланди.

Йиғилишда ота-оналар ва болаларнинг бу борадаги хоҳиш-истакларини тўлиқ ҳисобга олиш ва рўёбга чиқариш зарурлиги, уларнинг овора бўлишига йўл қўймаслик, шундай ҳолатлар юз берган тақдирда тегишли туманлар ҳокимлари, халқ таълими бўлими ва

таълим муассасалари раҳбарларига нисбатан қатъий чоралар кўрилиши таъкидланди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги раҳбарларига маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда шу йил 20 августга қадар ҳар бир ўқувчининг аниқ мактаб, лицей ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни давом эттиришини таъминлаш вазифаси юклатилди. Селектор йиғилишида ўқувчилар ва ота-оналарнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда ўқувчиларга касб-ҳунар ўргатишнинг янги тизими – ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини жорий этиш масаласи муҳокама қилинди. Янги ўқув йили бошлангунга қадар бу мажмуаларни ўқув жиҳозлари, касб-ҳунар ўрганиш учун зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш бўйича маъсул идора ва шахслар белгиланди. Маҳалла фаоллари, нуронийлар, профилактика инспекторлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари, туман, шаҳар ҳокимларига умумтаълим мактабларида таълим-тарбия сифатини ошириш, ҳар пайшанба — профилактика кунини ўқувчиларнинг давоматини ўрганиш ва таҳлил натижаларини танқидий муҳокама қилиб бориш вазифаси топширилди. Янги ўқув йили бошлангунча касб-ҳунар коллежларининг ўқув устaxonалари негизини ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил қилиб, уларга яқин атрофдаги мактабларни бириктириш, коллежлардан узоқда жойлашган умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун мактаблар базасида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаси яратиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида чуқурлаштирилган махсус тайёргарликни талаб этмайдиган чилангар, тикувчи, ҳайдовчи, ошпаз, сартарош, каштачи, кулол, қандолатчи, новвой, дурадгор, сувочки, бўёқчи каби жами элликдан зиёд касб-ҳунар ўргатилади. Бу мажмуаларда касб эгалларга ўқувчиларга 11-синфни якунлаганидан сўнг етуклик аттестати билан бирга меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имконини берадиган давлат намунасидаги хужжат ҳам тақдим этилади.

Ёш авлод таълим-тарбияси йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар келгусида ўз самарасини бериши, фарзандларимиз биздан кўра билимли, доно, кучли ва албатта, бахтли бўлишларига ишонамиз. Ўғил-қизларимиз яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳаётда ўз ўрнини топади ва Ватанга муносиб фарзанд бўлиб улғаяди.

Умида АДIZОВА,
“Оила ва жамият” мухбири
oilavajamiyat@mail.ru

Оналик – аёлнинг энг юксак унвони. Турмуш ўртоғи, фарзандлари билан ҳамжиҳатликда, бир-бирини эътиборда, қадрлаб яшаш саодати ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Аёллик бахти – мана шу.

тамға билан ўтди. Аммо мен ёшлиқ қилиб адашганимни тез англаганман, кечирим сўраганман. Гапимга ишониммади, муносабатларда ўзгариш бўлмади. Маҳаллада, одамлар орасида оиламизнинг ҳам обрўси йўқолди. Қиз боланинг номи қора бўлгандан кейин, унга совчи ҳам келмас экан. Ота-онаси ажрашиб, бувисининг қўлида қолган йигитга – холамнинг ўғлига турмушга чиққанман. Онам: “Яқин

ларнинг иши маърака-маросимларда Куръон ўқиш, Мавлиду эҳсонларни ўтказиш бўлган, холос. Аслида, бизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз аёлларга Исломи дини нима, мазҳаблар, унинг йўналишлари нималигини тушунириш, англишдан иборат. Отинойиларда шундай билим бўлмаганлиги сабабли ҳам аёллар орасидан адашганлар келиб чиқди. Ҳозир аҳолига кимлардан билим олиш, кимларга эргашиш кераклигини

коллекжида ўқийдиган қизим хафа бўлиб йиғлайди, уни дарсдан олиб чиқиб кетиб, нималарнидир ёздириб, расмга олишар экан. Президентимизнинг адашганларнинг номини оқлаш ҳақидаги топшириқларини эшитгандан буён шу оилар тезроқ келишини интиқиб кутдик.

– Ҳа, бу кунларни ўн йиллаб кутганлар бор, – дея суҳбатга қўргонтепалик отинойи Лолахон Раҳимова қўшилди. – Мана шу воқеалар жараёнида

ҲЕЧ КИМ АДАШМАСИН, БОШИ ЭГИЛМАСИН


Суҳбатдошларимга разм соламан: узоқ йиллик изтироблар ўрнини эгаллаган юз-кўзларидаги табассуми қанчалар ярашимли! Сўзлашаркан, юракларининг титроғини ҳис этади киши.

– Президентимизнинг шу йил 15 июнь куни “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусида бўлиб ўтган анжумандаги нутқларини жон қулоғим билан эшитдим, кейин яна ўқиб чиқдим, – дейди хонободлик Лутфияхон Рашидова. – Қирқ йил ўқитувчи бўлганман, ҳозир нафақадаман. Ўғлим 2008 йилда ўртоқлари билан ўтирган даврада ёт оқимга мансуб йигитлар ҳам бўлган экан, оқибатда ўғлим ҳам улар қаторида рўйхатга олинган. Етти йилдан буён вақти-вақти билан чақириб, суҳбат қилишади, болам шу суҳбатдан ўтиб келгунича нина устида ўтиргандек бўламан. Иккита акаси давлат ташкилотларида масъулиятли вазифаларда ишлашади. Шу “қора рўйхат”ни деб оиламизда ҳамманнинг боши эгилди. Ўғлим ҳозир Андижон кабел заводида ишляпти, оилалари бўлди, икки фарзанди бор. Унинг аҳволи, юриш-туришини кўриб ичимдан зил кетаман, чунки билиб-билмай босган бу хато қадами унинг соғлиғига, руҳий ҳолатига салбий таъсир қилди. Бу воқеаларда мен ўзимни ҳам айбдор деб биламан. Чунки ота-она фарзанди ким билан дўст, кимлар билан даврадош, нима иш қилади, нималар ҳақида ўйлайди – буларни билиши керак экан. Ўғлим ҳаммадан хавфсирайдиган, одамларга ишонмайдиган бўлиб қолган. Узиям хулоса чиқариб олди...

Лутфияхон чуқур тин олди, ҳар бир сўзига ургу бериб, гапини давом эттирди. – Аллоҳга шукр, Президентимизнинг адашганлар билан яқмама-яқма суҳбатлашиш, уларни англаш, тушуниш ва шунга қараб хулоса чиқариш ҳақида берган топшириқларини эшитиб, қанчалар қувонганимни тасаввур қилолмайсиз. Ўғлим билан диний идоралар вакиллари, маҳалла фаоллари суҳбат ўтказишди, улар унинг бу йўлга адашиб кириб қолганини айтишиб, энди бу ёғига ишлар хайрли бўлади, деб чиқиб кетишди. Ҳаётимнинг охиригача Президентимизни дуо қилиб ўтаман.

Шахрихон туманида яшовчи Эркиной Курбонова ҳозир ўттиз тўрт ёшда. Бу аёлнинг ўн беш ёшида ёт оқим вакили тузоғига тушиб қолгани, ўз тақдири ҳақидаги аччиқ эътирофлари ёш қизларимиз тарбиясига ҳар лаҳзада эътиборли, ҳушёр бўлишга ундайди.

– Ҳозир отинойи деб таништираган аёлнинг гапига ишониб, бу нотўғри йўлга кириб қолганман. Умиримнинг ярмидан кўпи “қора рўйхат”да, ризқ-насиба берган эл-юртни, она тупроғимизни қадрламаган, деган oilavajamiyat@mail.ru



қариндош-ку”, деб бунга қарши бўлган, лекин бувим раҳматли: “Ҳозирча бундан бошқа йўлимиз йўққа ўхшайди. Аллоҳнинг ўзига таваккал”, деб узатиб юборганлар. Катта ўғлим 15 ёшда, лицейга ўқишга кирмоқчи бўлганди, айримлар, ҳатто ўз яқинларимиз ҳам: “Ўқишга кирганинг билан, битирганингдан кейин ишга олишмайди”, деб йўлдан қайтаришди. Жуда хафа бўлиб, умидсизланиб юрганди, Худога шукр, биз қабиларнинг қалбимиздаги изтиробларни Президентимизнинг ўзлари англадилар.

Қаерда бўлмасин, бир гапни албатта, такрорлайман: Ҳаётда ҳар хил ташвишлар, синовлар бўлиб туради. Лекин ҳеч ким ўз элидан ажралиб, ёлғизланиб қолмасин. Бундай вазиятда жондан азиз фарзандларинг ҳам ёшлигидан кўнгли ярим ўсаркан, бундай тақдирни ҳеч кимга раво кўрмайман.

– Туманимизда 23 киши турли оқимларга киргани учун рўйхатга олинган, – дейди шахрихонлик отинойи Муқаддасхон Солиева. – Эркиной Курбонова ана шулардан бири. Кейинги ойда уларнинг ҳар бири билан юзма-юз суҳбатлар ўтказилганда бир ҳолатни тушундик: илгари отинойи-

ҳам тушунтиряпмиз.

– Чала табиб жондан, чала мулла имондан айиради, деган нақл бор. Чала муллалар дин номидан фатво бериши мумкин эмас, – дея суҳбатни давом эттирди пахтаободлик отинойи Гулчеҳраҳон Тошхўжаева. – Аллоҳ таоло Исломи дини, Куръони қаримни ҳаёт дастури қилиб қўйган. Отинойилар нафақат диний, дунёвий илмларни ҳам яхши билиши, атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиши лозим. Агар шундай бўлмаса, у эътибордан қолади.

– Хўжайиним қамалгани учун мени ҳам рўйхатга олишган, – дейди қўргонтепалик Дилфуза Парлиева. – Ҳатто унинг нима сабабдан қамалганини ҳам билмасдим. Мени тез-тез ҳуқуқ-тартибот идораларига чақириб туришади, бир хил мавзуда суҳбат ўтказишади. Эшиг-

гимга ички ишлар ходимлари келаверишидан қўни-қўшнилари орасида хижолат бўлардим. Фарзандларим катта бўлиб қолди, эрта-индин уларни уйлашим, қизларни узатишим, қуда-анда қилишим керак, мени рўйхатдан чиқаринлар, деб кўп илтимос қилдим. Аслида, ўзим ҳеч қандай диний оқимни билмайман. Тиббиёт



маҳалладошларнинг, қишлоқ аҳлининг бир-бирига қанчалар оқибатли, қадрдонлиги

яна бир қарра намоён бўлди. “Ўша анжуманинги кўриб, Президентимиз нутқини эшитган кўшнилари ҳовлимизга қушдек учиб кириб, янгиликни бизга етказишди, табриқлашди”, деб хурсандлигидан йиғлаб гапирди адашганлардан бири.

– Ҳеч ким адашмасин, ҳамма ҳушёр бўлсин, – Пахтаобод туманида яшовчи Насибхон Ҳақимова гапларини шундай бошлади. – Ёшим олтимишдан ошди, етти йилдан буён изтиробда яшаймиз. Рўйхатга тушишимнинг сабаби шуки, бир қиз ўзини отинойи деб таништирди, мен унга ҳадисларни ўқишни яхши кўришимни айтгандим, бир китоб берди. Орада қизим фарзандли бўлиб қолиб, у билан қирқ кун овора бўлдим, китоб уйимда ётди, нима ёзилганини ҳам билмадим. Яна бир йиғинда ҳалиги қиз билан учрашиб қолиб: “Китобингизни олиб келиш ёдимдан чиқибди, ҳали ўқиганим ҳам йўқ”, десам, у: “Ўқиб юборинг, менга олиб келманг!” деб қайта-қайта тайинлади. Китобни ёқиб юбордим. Айбим шу китобни ушлаганим бўлди. Маълум бўлишича, у таъқиқланган китоб экан, шунинг учун қизни жавобгарликка тортишибди, сўроқ-саволлар пайтида китобни менга ҳам берганини айтибди, ўша кўрсатма билан мени рўйхатга олишган. Аслида, маҳаллада азалдан оилавий келишмовчиликлар, жанжалларни тинчитиш учун доим мени чақириб келишган. Ёшларни тўғри йўлга солишга, одамларни келиштиришга салоҳиятим етарли эди. Аммо мана шу сабаб туйғайли одамлар юзига тик қаролмай қолдим.

Шу тамға билан нариги дунёга кетаманми, орақамда қолаётган фарзандларим, набираларимнинг бошини эгиб кетаримкинман, деган ташвишда, хавотирда эдим. Юртбошимизнинг вилоятимизга ташириларидан кейин мана шу етти йил давомида биринчи марта осойишта ором олиб, маза қилиб ухладим.

Бу суҳбатларда ёруғ ҳис-ҳаяжонлар, шукрона кўз ёшлари, дуо ва эзгу тилақлар мўл бўлди. Неча йиллар номи “қора рўйхат”да турган бундай ҳамюртларимизнинг қалбидаги изтироб заҳри синганига, уларнинг ўзларига эмас, оиласи, қариндош-уруғлари ҳам бундай баргикенгликни ҳис этаётганига гувоҳ бўлдик.

Муҳтарам УЛУҒОВА,
Андижон вилояти

ИККИ ДУНЁ “ТАШВИШИ” ДА ЮРГАНЛАР

Ота-онамиз, яқин жигарларимиз ёнимизда. Ҳар куни кўриб, дийдорлашиб турганимиз учунми, ҳар доим ҳам уларнинг қадрига етавермаймиз. Уларни йўқотганимиздан сўнг эса хотирасини абадийлаштириш ҳақида ўйлаб қоламиз...

ҒАЛАТИ БУЮРТМА

“Шаҳар марказидан четроқдаги маҳаллада эски бир уйни бузаётгандик, – дея ғалати воқеани айтиб берди воҳалик уста йигит. – Уша ерда яшовчи бир киши, мен билан танишиб: “Уста, сизга нозик буюртма бор, фақат бу ҳақда ҳеч ким билмасин”, деб қолди. Дам олиш куни машинасида қабристонга олиб борди. “Мана шу ердан чиройли мақбара қуриб берасиз, ёдгорлик ўрнатаман”, – деди. Шерикларим билан ишга киришар эканмиз, бунинг нимасини сир тутишимиз керак экан, деб ўйладим. У хоҳлагандек қилиб, мақбаранинг умбаз қисмини қурдик. Ёдгорлик тошини ўрнатдик. Лекин негадир тошга ҳеч нарса ёзилмаган эди. “Нега тошга ёзилмаган, бу кимнинг қабри ўзи?” деган саволимизга: “Ўзимники”, деб жавоб берди ҳалиги киши. “Вақти соатим етиб, бу дунёдан ўтсам, болаларим қийналиб юрмасин, деб отамнинг ёнидан ўзимга жой ҳозирлаб қўйдим”, дейди. Тавба, айримларга яшаши учун бошпана муаммо бўлиб турган бир пайтда баъзи пулдорлар қабристондан жой эгаллаб қўйишга интилаётганига нима дейсиз?”

Шу гап бўлди-ю, Тошкент шаҳридаги ёдгорликларнинг нарх-навосини билишга қизиқдик. Шу иш билан шуғулланувчи усталардан фикр олдик. Маълумот беришларича, 30-40 сантиметрли оқ мрамар тошнинг баҳоси 100 минг сўм, қора мрамар тош эса 300 минг сўм, 40-60 сантиметрли қора мрамар тош 500 минг сўм, 30-40 сантиметрли гранит тошлари 250 минг, 70-80 сантиметрли гранитлар 1,5 млн сўмда нархланар экан. Мрамар тошлар Самарқанддан, гранит эса Украинадан олиб келинишни, шунинг ҳисобига бу тошнинг хизмат тури қимматлигини изоҳлашди.

ИНСОН ХОТИРАСИГА ХИЁНАТ ҚИЛИНМАЙДИ

Ҳакимжон РАҲИМОВ,
Миробод тумани. “Қўйлик ота” қабристонидан дафн маросими (гўрков) ишчи.

– Бу касб менга ота-боболаримдан мерос бўлиб келаяпти. Ёшлигимда бобомнинг ёнларида юриб, унга ёрдам берардим. Шу боис бу ишдан чўчимайман. Битта қабрни тайёрлаш учун 4 киши меҳнат қиламиз. Бир қабрни қовлаш учун тўрт, тўрт ярим соат, агар ер қаттиқроқ бўлса, беш соатгача вақт сарфланади. Тошкент шаҳар, фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасидан маош оламиз. Ҳозирча бизни ҳудудимизда ҳаётлигида ўзига қабр тоши қўйдирганлар йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелдаги “Дафн этилган ва дафн иши тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ нураб кетган панжараларни олиб ташлаб, уларнинг ўрнини чиройли қилиб суваб қўйдик. Айрим панжараларнинг ичига қирадиган эшик йўқлиги учун тозалаш жуда қийин. Йиллар давомида яқинлари келиб хабар олмайдиган, панжаралари занглаб кетган қабрлар бор. Ёдгорлик тошларини синиб, нураб кетганларини



суратга олиб, ўрнини тозалаш қўямиз. Яқинлари келса, суратни кўрсатамиз. Эски қабр ўрнига янгисини қўйишга ҳаққимиз йўқ. Бу ерга шаҳар бўйича барча туманлардаги аҳоли келади. Агар кимнидир отаси шу ерга дафн қилинган бўлса, ун йилдан сўнг фарзандининг розилиги билан отанинг ўрнига яқин инсонни қўйишимиз мумкин. Қабрни бузиб, бегона одамни қўйиш мумкин эмас. Бу инсон хотирасига хиёнат қилишга қиради.

“ҲАДДИДАН ОШИШ – ТЎҚЛИККА ШЎХЛИК”

Меърожиддин ХАЙДАРОВ,
Қўйлик ота жоме масжиди имом ноиб.

Муборак Қуръони каримда шундай жумлалар битилган: “Енглр, ичинглр, лекин исроф қилманглр”. Ҳозирги кунда қабристонларга қирган одамнинг катта-катта мрамар тошларга кўзи тушмай иложи йўқ. Бу тошларга шеърлар, турли фикрлар ўйиб ёзилган. Ёзганлари яхши, лекин катта харажатлар эвазига тошларни қўйиш, исрофгарчиликдан бошқа нарса эмас. Уламоларимиз ота-оналари ўша ерда эканлигини билиш учун кичкинагина тошчага исм, туғилган ҳамда вафот этган йилларини ёзиб қўйиш савоб эканлигини таъкидлайдилар. Самарқанд вилояти, Ургут туманининг Қоратепта тоғларида қадимий қабр тошларини кўрганман. Кичкинагина рамка қилиб, гўзал нақшлар битилган. Иسمи, туғилган ва вафот этган йили ёзиб қўйилган. Яқинда бир одам отасининг хотирасига атаб, беш минг доллар сарфлаб, мрамардан қабр тоши қўйганини эшитдик. Муборак ҳадисларда: “Инсон вафот этса, барча амаллари тўхтайдди, фақат уни учта қилган амалидан савоб етиб туради”, деб ёзилган. Бу амаллар-

Яқинда бир одам отасининг хотирасига атаб, 5000 доллар сарфлаб, мрамардан қабр тоши қўйганини эшитдик.

нинг энг биринчиси – садақаи жория. Кўпчилик фойдаланадиган кўчаларга асфальтлар ётқизиб, шифохоналарга зарур мосламалар олиб берса, боғча-мактабларнинг таъмирига, фарзандини шартнома пулини тўлашга қийналиб турган оиллага ёрдам қўлини чўзса, бу мендан эҳсон, шундан ҳосил бўлган савоблар ота-онамга бориб етсин, десалар, худо хоҳлса унинг савоби то қиёматгача етиб боради.

гаплар қулоғимизга чалинапти. Бу ҳаддидан ошиш, тўқликка шўхлик дегани. Инсон қачон вафот этишини биладими?

ОНАСИНИ УНУТГАН ҚИЗЛАР

Сожида опанинг ҳикояси:

Ўтган йили ҳайит байрамини кутиб олиш учун водийга бордим. Ота-онамнинг қабрларини зиёрат қилиб юргандим, қабристон ичида аёлларнинг бақир-чақири эшитилиб қолди. Опасингил тортишаётган экан. Пойтахтда яшаётган опа бир неча йил олдин онасининг қабрига ёдгорлик тоши ўрнатиш учун сингисига пул юборган. Сингилнинг ичкиликка ружу қўйган эри, пулни ишлатиб қўйган. Опа-сингил ўз ташвишлари билан бўлиб, бир неча йил онасининг қабрини зиёрат қилмаган. Бу орада қабристон қоровули ҳам ўзгарган. Улар оналарининг қабрлари қаерда эканини билолмай, ортга қайтишди.

– Онам 2013 йилда оламдан ўтган, бир йилдан сўнг, ёдгорлик тоши қўймоқчи бўлдим, – дейди пойтахтда яшовчи танишим. – Қабр тошининг энг арзони саккиз юз минг сўм турар экан. Қишлоғимиз имоми: “Бир оиланинг фарзанди оғир касал, чет элга даволатишга бориш учун маблағи етмаяпти, ундан кўра, шу пулни ўша оиллага берсангиз, савоб бўларди”, деб қолди. Тўғри, бошида менинг ёрдимимсиз ҳам битадиган иш битади, деб пулни қизгандим.

Аммо қишлоқ одамларининг баҳоли кудрат ёрдам бераётганларини кўриб, қабр тошига аталган пулни ўша оиллага эҳсон қилдим. Кичкинагина рамкага онамнинг исм-шарифларини ёзиб, қабр ёнига ўрнатиб қўйдик. Хизматчилик, қишлоққа тез-тез боришга вақтим ҳам, имконим ҳам етмайди. Бу йил таътилда қишлоққа бориб онамнинг қабрини зиёрат қилдим. Қарасам, қабр устида атиргуллар қийғос очилиб, райхонлар ўсиб ётибди. Қабристон қоровули бу гулларни ўша боласи касал аёл экиб кетганини айтган, хурсанд бўлдим. Демак, бизнинг кичкинагина яхшилигимиз ҳам ота-оналаримиз ҳақи учун катта савоб бўлиб қайтар экан.

Ота-онасининг руҳини шод этиш, қандай хотирлаш ҳар кимнинг ўз виждони, юрак амрига боғлиқ. Бу борада биз кимгадир насиҳат қилиш, маслаҳат бериш фикридан йироқмиз. Айтмоқчи бўлганимиз қанча яхшилиқларимиз бўлса, улар ҳаётлигида амалга оширайлик. Онамизнинг уникдан қўйлагини кўриб, юзимизни терс бурмайлик. Бир пайтлар бизни олий маълумотли қилиш учун шартнома пулини тўлайман, деб, йиртиқ туфлида қолган отамизга бир жуфт туфли совға қилишга улгуриб қолайлик. Шунда эрта бир куни кўнглимизни армон кемириб, ер тепиниб қолмаймиз.

Нигора РАҲМОНОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири

ЭЪЛОН

Саидова Гулнором Мухсиновна Республика рус тили ва адабиёти пединституту (ҳозирги ЎзДЖТУ) томонидан 1993 йилда берилган 002904 рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.



АЧЧИК, ҲАҚИҚАТ

Онамнинг бир кўзи ожиз эди. Бир кўз билан кўрарди. Унинг кўрлигидан уялардим. Узини ёмон кўрардим. Тирикчилик учун мактабда ошпазлик қиларди. Бошланғич синфда ўқиётган пайтим, бир куни онам мени кўргани синфимизга келди. Унга кўзим тушган заҳоти уятдан ерга кириб кетгудек бўлдим. Онамга нафрат билан бир қарадим-да, синфдан қочиб чиқдим. Устига-устак бир синфдошим устимдан қолди: “Онамг бир кўз!” Уятдан ўлгиларим келди. Онамни мактабдан йўқолишини истадим. Уша куни онамнинг ёнига бориб:

– Мени болаларга масхара қилдириб кўйганингиздан кўра, ўлганингиз яхши

эмасми? – дедим.

Онам жавоб бермай, ерга тикилди. Гапим кўнглига оғир ботгандир, деб ўйламадим. Қаттиқ ғазаб ва нафрат эдим. Унинг изтироблари мени қизиқтирмас, у билан бир уйда яшашни истамасдим. Шунинг учун кўп ҳаракат қилдим ва Сингапурга ўқишга кирдим. Кейин уйландим. Ўзим уй олдим. Фарзандларим туғилди. Бир куни онам мени кўргани келди. Неча йилдики мени кўрмаган, ҳатто невараларини ҳам танимасди.

Эшикка яқинлашганида болаларим уни кўриб қулиб юборишди. Онамга: – Уйимга келиб болаларимни

кўрқитишга қандай ҳақдингиз сиғди? Тез бу ердан кетинг! – деб бақирдим. Бунга жавобан онам паст товушда:

– Айбга буюрманг, янглиш манзилга келдим, чоғи? – деди ва кўздан ғойиб бўлди.

Бир куни мактабни тугатиб кетган собиқ ўқувчилар йиғилишга табиби сабабидан таклифнома олдим. Рафиқамга иш бўйича сафарга чиқаётганимни баҳона қилиб, йиғилишга кетдим. Тадбирдан кейин қизиқиш важдан эски уйимизга кирдим. Онам бироз хаста экан. Негадир шу пайта қадар ҳис этмаганим – ўчинг туйдим қалбимда. Шўрлик онам мени кўриб, соппа-соғ одамдек ўрнидан сақраб

турди. Айланиб-ўргилиб бурчақда турган эски сандиғидан ширинликлар олиб, дастурхон ёзди. Мен уялаётганмидим, раҳмим келаётганимди ёки ҳануз онамнинг бир кўзлигидан ирганаётганмидим, ҳуллас аллақандай беғоналик бор эди ўртамизда.

– Сени кўрмай ўлиб кетаманми, деб ўйлагандим, – дея гап бошлади онам, бир кўзидан ёш оқиб. – Дийдоринг армоним бўладими, дея ҳар куни сенга мактублар битардим. Шукур, бугун эшигимдан ўзинг кириб келдинг...

Онам шундай дея менга таом тайёрлаш учун ошхонага ўтиб кетди. Ўрнимдан туриб болалигим ўтган уйнинг уёқ-буёғини кўздан кечира бошладим. Кўзим онамнинг ёстиғи тагидан кўриниб турган қоғоз тахламига тушди. Назаримда улар менга ёзилган хатлар эди. Қизиқиш устунлик қилиб, бир хат жилдни очиб, ўқишга тутиндим:

“Болам, дунёдаги ёлғиз севинчим, хамиша сени ўйлайман, сени соғинаман, – дея бошланганди мактуб. – Сингапурга бориб, болаларингни кўрқитганим учун хижолатдаман. Собиқ ўқувчиларнинг йиғилишига келишингни эшитиб жуда севиндим.

Аммо сени кўриш учун ётоқдан кўзгала оламанми-йўқми, билмайман. Улғайганимда уялишига сабаб бўлганимдан афсусдаман. Биласанми, кичкиналигингда фалокат юз бериб, бир кўзингни йўқотдинг. Она бўла туриб сени бир кўз билан улғайишига жимгина қараб туролмасдим. Бунга тоқатим етмасди. Шунинг учун сенга ўз кўзимни бердим. Бу кўз билан менинг ўрнимда кўради, деб сен билан шу қадар ғурурланиб юрдимки, асти кўявер, болам. Сени яхши кўриб, дуоларига бахтингни, умрингни сўраб қолувчи онамг...”

Мен адо бўлгандим. Адоий тамом эдим. Оёқларимдан мадор қочди. Қандай қилиб ошхонага ўтганимни, онамни бағримга босганимни билмай қолдим. “Мени кечиринг, онажон”, дедим-у ўзимни унинг оёқлари остига ташладим. Инсонманми мен ҳам?!

ОНАНИНГ ДУОСИ

Покистонлик доктор Ҳусайн шарафли меҳнат ва хизматлари учун эътирофга муносиб топилди ва тақдирланиш учун халқаро конференцияга таклиф қилинди. Самолётга чиқди.

Парвоз чоғида осмонда чақин чақнаб, самолётда техник носозлик кузатилди ва зудлик билан ўша атрофдаги кичикроқ аэродромга қўндирилди. Экипаж аъзолари махсус гуруҳ этиб келиб, самолётни тузатиб, учишга шай қилгунича орадан 16 соат ўтишини, самолёт шундан кейингина кўзғалишини айтиб йўловчиларни огоҳлантиришди. Доктор Ҳусайн: “Ахир мен шунча вақт кута олмайман! Конференцияга кечикяпман!” деб безовталанди. Унга бориши керак бўлган шаҳари 6 соатлик йўл эканини, агар истаса, машина тўхтатиб, этиб олиши мумкинлигини айтишди. Доктор ҳақл билан катта йўлга чиқди. Аммо ёмғир шу қадар шиддат билан ёғаётганиди, йўлларда сув арик бўлиб оқар, ёмғир кўз очгани кўймасди. У йўл четигаги бир қулбанинг эшигини қочди. Ичкаридан кекса ёшли аёл чиқди. Доктор шошилган кўйи ундан:

– Илтимос, менга телефон беринг, зудлик билан кўнгирак қилишим керак! – деди.

Аёл табассум билан:

– Кўрмайсанми, ўғлим, аҳолимизни? Бу ерларда на телефон бор, на электр. Ундан кўра, кел, уйга кир, кийимларингни курут. Бирор нима еб ол, чой ич. Сўнгра ўзинг тушунасан, ҳаётимизи не қадарлигини, – деб жавоб берди.

Доктор Ҳусайн ихтиёрсиз равишда кекса аёлга бўйсуниб, ичкарига кирди. Олдига қўйилган одмигина таомдан еди, чой ичиб, исинди. Мезбон бир бурчақда ўтириб узун-узун дуолар ўқиб, юзига фотиҳа тортди. Доктор атрофни кузатар экан кўзи хона тўридаги oilavajamiyat@mail.ru

бешик ва унда ҳаракатсиз ётган нимжонгина гўдакка тушди. Аёл дуосидан фориғ бўлиб, фотиҳа ўқигач, доктор Ҳусайн унга юзланди: – Бу чақалоқ кимнинг боласи, онажон? Тинчликми, нега кўзингизда ёш билан узок дуо қилдингиз?

– Бу гўдак ҳам онасидан, ҳам отасидан етим қолган неварам бўлади. Оғир хасталикка йўлиққан. Кўрсатмаган табиб-у шифокорим қолмади. Ҳеч бири чорасини тополмади. Доктор Ҳусайн деган олим-шифокор бор экан, неварамни фақат ўша даволар экан. Аммо у докторни қаердан топаман, унга олиб бориш учун пулни қаердан оламан, билмайман. Шунинг учун ҳар куни Аллоҳдан ёлвориб, неварамни доктор Ҳусайн кўригига олиб бориш учун менга имкон беришини сўрайман. Ҳозир ҳам шу истагимни айтиб, Яратганга ёлвордим, ўғлим, – деди кекса аёл.

Бу гапларни эшитиб Доктор Ҳусайн йиғлаб юборди ва онахоннинг елкасидан қучиб деди:

– Ўрингиздан туринг, онажон, Аллоҳга шукрона келтиринг! У сининг дуоларингизни ижобат қилди. Илтижоларингиз осмонда чақин чақнаиб, самолётни бузилишига сабаб бўлди, ёмғир-у сел ёғдириб, атрофни зимистон қилди ва мени сининг эшигингизга бошлади. Мен ўша сиз дуоларингизда сўраган доктор Ҳусайн бўламан!

Чин ихлос ва ишонч билан дуо қилинса, албатта, ниятлар ижобат бўлади. Ҳақ юз бериши муҳаққаж воқеани кўнглига солади. Шунинг учун дуо қилишдан, эзгуликни орзу қилишдан, мушкулларингиз осон бўлиб, йўлингиз ёруғ бўлишини астойдил ният қилишдан тўхтаманг!

Турк тилидан Умид АЗИЗ таржимаси.



ТОЗАЛИК ФАРИШТАСИ

Соат эрталабки етти. Апрель ойи бўлса-да, совуқнинг захри кетмаган. Одамлар иш-ўқишга шошиларди. Бекатда автобус кутаётган, оловранг нимчали аёл эътиборимни тортди. Апрель тонгининг салқини унинг озғин гавдасини янада эгиброк қўйган эди. Унга қараб кўнглим бузилди. Қирқ ёшлар чамасидаги аёлнинг юзлари, қўллари офтобда обдон қорайган, оғир меҳнат машаққатларидан терисига тарам-тарам ажин тушганди. Эрта тонгдан иш бошлаганини мен автобус кутаётган бекатнинг тозалигидан билса ҳам бўлади. Аёлнинг ёнида ўн ёшлар чамаси бир болакай ҳам бор эди. Ногаҳон уларнинг суҳбати қулоғимга чалинди. “Ойи, туғилган кунимга нима олиб берасиз?”. Аёл эшитмагандай ишида давом этди. Бола саволини қайтарди. Аёл эгилган қоматини кўтариб, боласига меҳр билан қаради: “Юрагимни бераман, жоним болам, айт, нима олиб берай?”. “Велосипед!”.

Боланинг сўзи шу қадар қувонч билан эшитилдики, агар ёнида пули бўлса, она ҳозирнинг ўзида унга истаганини олиб беришга тайёрлиги юз-кўзидан билиниб турарди. Аёлнинг юз-кўзига май-юс ўйчанлик ифодаси тепчи. Ахир унинг бир ойлик маоши велосипед учун етмас эди-да...

Автобусим келди. Салонга чиқиб, автобус ойнасидан яна аёлга қарадим. У эглиб йўл чеккасидаги ариқча ҳозиргина бир “маданиятли” йигит ташлаган сигарет қолдигини супириб олаётганди. Кўнглим бузилди.

Қанийди имкониятим бўлганида, бутун шаҳардаги оловранг нимчаларга: “Тозалик фариштаси” деган белги қўйиб, дилбандлари эҳтиёжга етадиган даражада иш ҳақи олишларини таъминлаган бўлардим... Аммо бу менинг қўлимда эмас-да...

Робиябону НУРАЛИЕВА



Бола – ниҳол. Меҳр билан парваршиланса, у келажада барча умид ва орзуларни рўёбга чиқаради. Муҳит уни ўзгартиради. Ота-онанинг “Она қизим”, “Тойчоғим”, “Умид чироғим”, “Наслимизнинг давомчиси”, “Кўз тегмасин, болам!” каби эркашларидан куч олиб яшайди бола. Мақсад сари интилади. Изланади. Айрилиқ, азоб, изтироб каби туйғулар шамоли унга яқинлаша олмайди. Дарвоқе, сўзимиз меҳр ҳақида эди. Меҳр кўзда, дейишади. Ҳақиқатан ҳам, меҳр кўздами?

8 ёшидан бери Меҳрибонлик уйларида бирда тарбияланаётган Нодиранинг отаси чет элга кетганича қайтиб келмади. Онани бошқа кишига турмушга чиқди. Қиз соатлаб деразага термулади. Қани эди ота-онаси келса. Дийдорига тўйса. Йиғлайвериб кўзида ёши ҳам қолмади. Ота-онаси билан ўтган хушчақчақ дамларни эслайди. Уларнинг меҳрини кумсайди...

Дугоналарига ҳар доим бир гапни такрорлайди: “Ҳали ота-онам келади, туғилган кунимда совгалар олиб келишади!” Шу умид билан яшайди. Шу

БОЛА КЎЗИДАГИ МАЪЮСЛИК БАДАЛИНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

орзу билан тунни-кунга, кунни-тунга улайди. Мана, бир йилга яқин вақт ўтди. Ота-онасидан дарак йўқ. Нодиранинг кўзлари маъюс. Узи мунгайиб қолган.

Меҳрибонлик уйда тарбиячи оналарида мамнун. Бироқ кўнгли кемтик. Меҳрга ташна. Тушларида ота-онасини кўради. Отасини “от” қилиб мингаларини эслайди. Қиқир-қиқир кулади. Қувонади. Изтиробларни унутади. Боланинг қувончи ота-онанинг осойишталиги, оиланинг мустаҳкамлиги эмасми? Ташвиш-изтироблар юки болага оғирлик қилди.

Ота-оналар норасида гўдакларни икки ўт орасида қолдираётганини сезишмаётган кўринади. Болага суд залида: “Отангни танлайсанми ёки онангними?” дея савол бериш, “Унг кўзингни танлайсанми ёки чап кўзингними? Қайси бири афзал?” дейиш билан

баробар эмасми? Суд жараёнида болалар отасини ёки онасини танлашади, албатта. Иккаласини ҳам яхши кўради, бироқ танлов бор. Она – буюк зот. Ҳамма яхши кўради. Албатта, у танланади. Бироқ ота тарбияси бошқа, она тарбияси бошқа. “Бола онаси билан қолади!”. Шундай ҳукм чиқарилади. Бу эса боланинг келажагига болта урилди, деган гап!

Аслида эркак ва аёл ўртасидаги можаро боланинг келажагига таъсир қилмаслиги керак. “Эр-хотин уриши – дока рўмол қуриши”, деган нақл бор.

Бола ўсиб, улғайиб борар экан, ҳам она, ҳам ота меҳрига эҳтиёж сезади. Фарзанд ҳаётида иккаласининг ҳам ўрни шу қадар муҳимки, улар бир-

болалар фақат отаси ёхуд онаси билан алоҳида яшашни исташади. Кейинги пайтларда кўплаб оилаларда бу табиий ҳолатга айланаб бормоқда.

Ажрашиш, отадан ё онадан айри ҳолда яшаш каби муаммолар фақатгина Американинг ёки фақатгина Европанинг муаммоси бўлиб қолмай, балки ҳар бир минтақанинг, ҳар бир мамлакатнинг муаммосидир. Бу муаммо бугунги кунда чегара билмайди. Узоққа бормайлик, ўз шаҳримизда, маҳалламизда, қишлоғимизда бундай ҳолатларга дуч келмаяпмизми?

Бу муаммони ҳал қилиш учун қайвони момоларимиз-Боболаримизнинг оилага аралашини таъминлашимиз керак. Уларнинг олтинга тенг

маслаҳатларидан фойдаланмоғимиз жоиз.

Дунёнинг оғриқли нуқталаридан яна бири бу – етимхоналардаги болалар сонининг ошиб бораётган. Тадқиқотларга қараганда, дунё бўйича 18 миллион бола етимхоналарда тарбияланаётган экан. Улардан юз мингтаси АҚШга тўри келади. Бу, албатта, ачинарли ҳол. Айниқса, ота-онаси тирик бўла туриб уларнинг меҳридан мосуво бўлиш фо-жиа эмасми?

Бола кўзидаги маъюслик бадалини ким тўлайди? Юракдаги кемтикликни ким тўлайди? Мурғак қалбнинг меҳрга ташналигини ким қондиради? Ота-она судга ажрашиш учун ариза беришдан аввал шу ҳақда ўйлаб кўриши керак.

Робия НУРАЛИЕВА

ТАОМЛАРНИНГ КИЧКИНТОЙ ТАБИАТИГА ТАЪСИРИ

Ёш ота-оналарга нисбатан тажрибали буви ва боболар “Бўладиган бола бошидан маълум”, деган ақидага амал қилиб, набираларнинг қизиқишларини уларнинг гап-сўзлари, хатти-ҳаракатларидан билиб олишар экан. Психологларнинг фикрича, болани тушуниш учун унинг ухлаши, овқатланиши ёки ўйинларига яхшилаб назар солиш, кузатиш керак.

Боланинг кайфияти, характери шаклланишида айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари муҳим аҳамиятга эга. Кичик ёшдаги болалар таомномасини тузаётганда овқат таркибидаги зарарли моддалардан эҳтиёт бўлиш жуда муҳим. Куйидаги бешта озиқ-овқат маҳсулоти болаларнинг кайфияти ва хатти-ҳаракатларига энг кўп таъсир қилиши аниқланган.

ЖИЗЗАКИ ВА ТАЖОВУЗКОР БЎЛСА

Сутли маҳсулотлар. Агар болада аллергия ҳолат кузатилса, унинг кайфияти ва хатти-ҳаракатлари ўзгаради. Кўплаб болаларда жиззакилик ва тажовузкорлик кузатилади. Сутли маҳсулотлардан аллергияга мойил болалар тез-тез шамоллайди ва қулоқ инфекциясидан азият чекади. Чақалоқларда чандикли симптомлар белги беради.

СУНЬИЙ БЎЁҚЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Озиқ-овқат таркибидаги сунъий бўёқлар бола саломатлиги учун зарарли бўлгани боис бундай егуликлар кўплаб мамлакатларда тақиқлаб қўйилган. Бевозталиқ, гиперактивлик ва болаларда учраб турувчи бош оғриги сунъий бўёқлар натижасида юзага келиши



мумкин. Сунъий бўёқлар шакарли маҳсулотларда кўп бўлгани сабабли, ота-оналар одатда нохуш ҳолатни шакардан деб ўйлашади. Сунъий бўёқлар кўпинча нон ва йогурт маҳсулотларида ҳам учрайди.

ШИРИНЛИК ҲАМ ЗИЁН

Шакар боланинг гиперактив бўлишига олиб келгани сабабли, салбий таъсир кўрсатувчи емалар сирасига киради. Бугунги кунда болалар истеъмол қиладиган барча озиқ-овқат маҳсулотларида шакар-

ни учратиш мумкин. Шу боис боланинг таомномасини тузаётганда шакарсиз парҳезга ҳам эътибор бериш керак.

ДИҚҚАТ, КОНСЕРВАНТЛАР!

Озиқ-овқатларни сақловчи консервант воситалар ҳам болалардаги хатти-ҳаракатларнинг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Бундай моддалар нитратлар, нитритлар ва натрий бензоатларни ўз ичига олади, лекин улар билан чекланмаган. Моносодиум глутамат (MSG) таъм лаззатини кучайтирувчи воситаси бош оғриги ва гиперактивлик каби руҳий ўзгаришларга олиб келади. Натрий бензоат кенг тарқалган бўлиб, болалар учун сотиладиган шарбат маҳсулотларида учрайди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ АЛЛЕРГИЯСИ

Умумий озиқ-овқат аллергиялари кўпинча сут, ёнғоқ, тухум, соя ва маккажўхори маҳсулотлари ҳисобланади. Болада маълум бир озиқ-овқат маҳсулотига нисбатан аллергия бўлса, унинг ҳулқ-атвори ўзгариши мумкин. Бундай ҳолларда аллергия шифокор ёрдамисиз ўзингизча даволашга уринманг. Аллергия сабабини аниқлаб, кейин шифо чоралари кўрилиши зарур.

Фарзандингиздаги ҳулқ-атвор ўзгаришларини ёки кайфиятини тез-тез ўзгаришини сезсангиз, озиқ-овқат журналани тузинг. Тамадди қилаётган маҳсулотларини кузатиб бординг ва ўзгариш сезилса, шубҳа туғдирган маҳсулотни таомномадан олиб ташланг.

Фарзона НАБИЕВА тайёрлади.

Oila va jamiyat
Ижтимоий-
сиёсий,
маънавий-
маърифий
газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси,
“Болалар ва оналарни қўллаб-
қувватлаш” ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва
“Соғлом авлод учун” халқаро
хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Луқмонов

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 926. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 4850. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Н. Раҳмонова
Мусаҳҳиҳ: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5